

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

602 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 25 октябрдаги ПҚ–2641-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 25 октябрдаги ПҚ–2641-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 22 декабрь,
412-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 22 декабрдаги 412-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) 7-иловадаги «Э.М. Акрамов — «Ўзқурилишматериаллари» АК раиси» сўзлари «Б.К. Зарипов — «Ўзқурилишматериаллари» АК раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 22 сентябрдаги 408-сон қарорига иловадаги «Э.М. Акрамов — «Ўзқурилишматериаллари» АК раиси» сўзлари «Б.К. Зарипов — «Ўзқурилишматериаллари» АК раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 15-сон, 177-модда) 1-иловадаги «Э.М. Акрамов — «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси раиси» сўзлари «Б.К. Зарипов — «Ўзқурилишматериаллари» АЖ раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссия ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 13-илованинг рус тилидаги матнидаги «С.К. Эргешев — «Ўзқурилишматериаллари» АК раиси» сўзлари «А.А. Махамадиев — «Ўзқурилишматериаллари» АЖ раисининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 июндаги 124-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Моддий балансларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тартиби тўғрисидаги низомга илова 34-бандининг биринчи хатбошидаги «АК» аббревиатураси «АЖ» аббревиатураси билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 50-модда) 2-илованинг «Бажариш учун масъуллар» устунининг 136 ва 137-позицияларидаги «Акциядорлик компанияси» сўзлари «Акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 25 июндаги 142-сон қарори

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 252-модда) билан тасдиқланган Қаттиқ фойдали қазилмалар конларини хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди биринчи хатбошидаги «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси» сўзлари «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 16 мартдаги 70-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 12-сон, 131-модда) иловадаги «Э.М. Акрамов — «Ўзқурилишматериаллари» АК раиси» сўзлари «Б.К. Зарипов — «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 31 мартдаги 90-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 14-сон, 159-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги «акциядорлик компанияси» сўзлари «акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловадаги «Э.М. Акрамов — «Ўзқурилишматериаллари» АК раиси» сўзлари «Б.К. Зарипов — «Ўзқурилишматериаллари» АЖ раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида» 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) 1-илованинг «Масъуллар» устуни 38-позициясидаги «АК» аббревиатураси «АЖ» аббревиатураси билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, шунингдек инвестиция лойиҳалари юзасидан ташаббус кўрсатиш ва амалга ошириш учун масъул йирик корхоналарнинг таркибий бўлинмаларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 мартдаги 84-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 19-модда) 1-илованинг 18-бандидаги «акциядорлик компанияси» сўзлари «акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фавкулудда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги 242-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 350-модда) 3-илова матнидаги «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси» сўзлари «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 августдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган 2016 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф

табiiй мухит мониторинги Дастурига 2-илованинг «Идоравий мансублиги» устуни 20-позициясидаги «Ўзқурилишматериаллари» АК сўзлари «Ўзқурилишматериаллари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўза пояларидан ёғоч-пайраха қиринди плиталарини ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 сентябрдаги 319-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 450-модда) рус тилидаги матнида:

а) 2-банддаги, 4-банднинг биринчи хатбошидаги, 5 ва 9-бандлардаги «АК» аббревиатураси «АЖ» аббревиатураси билан алмаштирилсин;

б) илованинг «Масъул ташкилот» устунидаги «АК» аббревиатураси «АЖ» аббревиатураси билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 22 декабрдаги 412-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш («Ўзқурилишматериаллари») концерни фаолиятини ташкил этиш масалалари» 1992 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 30 майдаги 277-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2001 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 26 ноябрдаги 511-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 11-сон, 69-модда) 4-илованинг 1-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда) 6-илованинг II бўлими 5-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 26 мартдаги 97-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 5-6-сон, 44-модда) 3-илованинг 3-банди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

52 (760)-сон

— 49 —

602-603-моддалар

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 27-модда) илованинг 11-банди.